


ЭНГ УЛУФ, ЭНГ АЗИЗ

БАЙРАМИМИЗГА



ҚОЛДИ!

1991-
2000



АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

Ўтган тўққиз йил мобайнида сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётимиздаги ислохотлар ва янгиликлар келажакка бўлган ишончлини мустаҳкамлади.



Истиқлол туфайли шаҳар ва қишлоқларимизда барпо этилаётган янги замонавий корхоналар юртимиз чиройига-чирой қўшмоқда.



Халқаро ҳамжамиятда ва жаҳон бозорида мамлакатимиз ўрни, обрў-этибори ва нуфузи ошиб борапти.



**Энг муҳими,
одамларимизнинг
дунёқарashi ва
тафаккури, маънавий
қийфаси ўзгариб
борапти,
жамиятимизда
ватанпарварлик,
аҳиллик, мурувват,
меҳр-оқибат каби
олижаноб
фазилатлар юксак
қадрланмоқда.**



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



2000 йил 18 август
жума
Сотувда эркин нархда
№ 160 (2457)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI VA ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING GAZETASI

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI OLIIY MAJLISIDA

Кунун жамиятни ҳуқуқий меъёрлар асосида ҳимоялаб турувчи қўғондир. Ана шу нуктага назардан мамлакатимиздаги ҳар қайси соҳа, тармоқ ёхуд тизим қонулар ила тартибга солинапти. Шулардан бири Олий Мажлисимизнинг навбатдаги учинчи сессияси кун тартибига киритилган «Қишлоқ ҳўжа-даги ўсимликларини зарарқундандалардан, касалликлардан ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун лойиҳасидир. Кеча Олий Мажлисининг Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасида мазкур қонун лойиҳасининг муҳока-масига бағишланган давра сўхбати бўлиб ўтди. Қўмита раиси Исқандар Қаландаров бошқарган бу йиғинда Олий Мажлис депутатлари, олимлар, мутахассислар, тегишли идораларнинг вакиллари лойиҳа ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди-лар.

Сўхбат чоғида ушбу Қонуннинг мақсади қишлоқ ҳўжалик ўсимликларини зарарқундандалар, касалликлар ва бегона ўтлар-дан ҳимоя қилишни таъминлаш, ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларининг инсон соғлиғига, атроф табиий муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш билан боғлиқ муносабатлар-ни тартибга солишдан иборат эканлиги қайта-қайта эътироф этилди.

Давра сўхбати қатнашчилари ушбу Қонун лойиҳаси юрти-мизда қишлоқ ҳўжалигидаги ислохотларни жадаллаштириш-да муҳим ўрин тутушига ишонч билдирдилар.

(Ўз мухбиримиз).

Президент Кубоги мусобақаларига тайёргарлик қизғин

Вазирлар Маҳкамасида теннис бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентини Кубоги учун халқаро мусоба-қаларга тайёргарлик кўриши ва ўтказиши таъминли қўми-тасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Респуб-ликаси Бош вазири, мазкур қўмита раиси У.Султонов бошқарди.

Йиғилишда таъкидландики, ҳар йили Истиқлол байрами-га ҳамоҳанг тарзда ўткази-лаётган мазкур аънавий мусобақаларда бу гал ҳам жаҳоннинг кўплаб мамлакат-ларидан энг моҳир теннис-чилар иштирок этиш истаги-ни билдирган. Бу турнирнинг жаҳон спорт оламидаги об-риси тобора юксалиб бораёт-ганидан дарак беради.

Президент Кубоги учун жаҳон теннисчилари белла-шуви нафақат республика-мизда, балки кўплаб хори-жий оммавий ахборот воси-талари ёрдамида олтимишдан зиёд мамлакатда ҳам кенг

ёритиб борилади. Мусоба-қанинг ҳақиқий спорт байра-мига айланиши учун ташки-лотчилар томонидан барча зарур чора-тадбирлар кўри-лаётир.

Йиғилишда теннис бўйи-ча Ўзбекистон Республикаси Президентини Кубоги учун Хал-қаро турнирни юксак савия-да ўтказиш, унинг доираси-да турли қизилқарий тадбир-лар, учрашувлар, сўхбатлар уюштирилишини таъминлаш бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига аниқ кўрсатма ва топшириқлар берилди.

(ЎзА)

САРИОСИЁ / ЎзА мухбирлари Василий Мар-ков ва Чори Тўхтаев хабар беради / Сурхон-дарё вилоятининг Узун ва Сарисий туманлари-да босқинчиларни йўқ қилиш юзасидан амалга оширилаётган операциянинг ҳарбий босқичи якунланмоқда. Эндиликда тинч аҳоли ҳавфсиз-лигини таъминлаш ва уларнинг турмуш шароит-тини янгра солиш ишларига асосий эътибор бе-рилмоқда.

АҲОЛИГА ЁРДАМ КўРСАТИЛМОҚДА

Аҳолини тоғ қишлоқ-ларидан кўчириб келиб, ташкил этилган лагер-ларда жойлаштириш ишлари давом этмоқда. 16 августдаги маълум-отларга кўра, Узун ту-манидаги лагерда 217 нафар одам бор. Улар, асосан аёллар ва бола-лардан иборат. Узун ту-манида ҳарбий ҳаракат-лар кечаётган жойдаги бешта тоғ қишлоғи аҳолиси кўчирилиб, бо-лалари соғломлашти-риш лагерига жойлашти-рилди.

Лагерга келаятган-лар, албатта, санитар-ия-тиббий кўригидан ўтказилиб, зарур ҳол-ларда уларга тиббий

ёрдам кўрсатилмоқда. Ўзбекистон Респуб-ликаси Фавқулодда ишлар вазирлигининг Узун ту-мани штаби аҳолини ҳимоя қилиш бўлими катта зобити, майор Зо-кир Бобоқулов хабар қилганидек, лагер тиб-бий хизмати барча зар-рурий дори-дармон бил-ан таъминланган. Аҳолини озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дар-мон билан таъминлаш-да ҳўжаликлар, корхона-лар ва хусусий шахслар фаол иштирок этмоқда.

Сарисийё туманидаги шундай лагерга Ўз-бекистон Қизил Ярим Ой жамияти томонидан ҳам ёрдам кўрсатилди.

17 август кунини туш пайтида Махсус разведка бўлими маси жангчилари жанговар позициялардан қай-тиб келишди. Бир оз дам олгач, улар яна дарага қайтиб кетишди.

Разведкачилар маълумоти ва хабарларига кўра, ҳўкумат қўшинлари ҳаракатлари натижасида «қоп-қон»га тушиб қолган террорчиларнинг ўқ-дори захи-раси тугаб бормоқда. Ердан сўраб мурожаат этишганида эса, уларнинг ҳомийлари: «Ердан бера олмаймиз» дея жаваб қайтаришди.

(ЎзА)

Мустақиллик иншоотлари



«УМИД» КўЧАСИДАГИ КОЛЛЕЖ

бино. Еттига ўқув корпусидан иборат кенг ва ёруғ ўқув хона-лари, амалиёт ўрни мўлжаллан-ган хоналар, спорт заллари... — Буларнинг барчаси фар-зандларимизнинг баркамол, касб-корли бўлишлари учун биз-мат қилади, — дейди коллеж ди-ректору Ҳасан Йўлдошев. — Ҳозирда деярли барча синф хо-наларини қурувчилардан қабул қилиб олдиқ, ҳатто айрим ўқув хоналари жиҳазлаб ҳам бўлди.

Дарҳақиқат, бу ерда қурилиш деярли нўқолянди. Пардозлаш ва ободонаштириш ишлари эса давом этмоқда. Бу хайрли иш-ларни сифатли бажаришда «Тош-муҳандис» қурилиш трестининг 8-бошқармаси қурувчилари жон-бозлиқ кўрсатишмоқда. Айниқса, Абдурашул Шушуров, Вячеслав Смирновлар бош бўлган обо-

донлаштириш, сув ўтказгичлари-ни ўрнатиш билан машғул жамоа-ларнинг иш таъсига лойиқ. Шуниси эътиборлики, Меҳ-нат вазирлиги бюромтаси асоси-да бунёд этилган ушбу ўқув дар-гоҳида ўқувчилар ўрта маълумот олиш билан бир қаторда заргар-лик, дурадгорлик, газ ва санита-рия-техник шомоллашти тизими, бадий ўймакорлик каби ўнга яқин касб-ҳўнар соҳиблари ҳам бўлишди.

«Қадрлар тайёролаш миллий дастури»ни бажариш иш аъмо-лимизга айланган, — дейди Тош-кент шаҳар ўрта-махсус касб-ҳўнар таълими бошқармаси бо-шлиги Раъшан Аҳмедов. — Шу боис пойтахтимиздаги 10 та билим юрти, жумладан, иккита техни-кум, саккизта турли йўналишда-ги касб-ҳўнар мактаблари тўлиқ таъмирланиб, замонавий ўқув дастгоҳлари билан таъминланди. Айни пайтда ушбу ўқув муасса-саларига коллеж макрми берил-ди. Уларнинг афзаллиги шунда-ки, бу ерда ўқувчи нафақат би-лим олади, балки бир неча касб-ни мукамал эгаллайди. Бунга имкон ҳам, шароит ҳам етарли. Ҳа, ҳадемай ушбу муқташам



зиёхона илму ҳўнарга чанқоқ фарзандларимизга туфра эти-лади. Эеро, бу зиё маскани мустақиллигимизнинг 9 йилли-ги байрами арафасида келажак-гимиз ворисларига «Соғлом ав-лод йили»да муносиб совға бўлади.
Мавжуда ХОЛМАТОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.
Нўъмонжон
МУҲАММАДЖОНОВ
олган суратлар.

ҲАММАНИНГ ДИЛИДА ЯГОНА КАЛОМ

Мухбиримиз Олимжон УСАНОВ
Сарисийёдан хабар беради

Ўзбек ўз биродарини сер-ташвиш қиларда ёлғиз таш-лаб қўймайди. Биродари, қариндош-уруғи, таниш-били-ши у ёқда турсин, лозим бўлганда етти ёт бегонага ёрдам қўлини чўзмақча им-кон топади. Ўзбек, молингни закот, жонингни садақа бил-ан асра, деган ҳикматга амал қилиб яшайди. Уртада юрт ташвиши, Ватан манфа-ати, Ватан ҳавфсизлиги тур-ганда-ку, у бор бисотини, ҳатто ширин жонини аямайди.

Террорчи газандалар мам-лакатимиз жанубий чегарала-рига ҳавф солиб келганда, че-гарاداги тоғ қишлоқлари аҳолиси Узун ва Сарисийё ту-манларининг ҳавфсиз худуд-ларига кўчириб келирилди. Ҳа, қисқа вақт ичида улар-нинг осойишта яшашлари учун шарт-шароитлар яратиб бе-рилди. Фермерлар, ишбилар-монлар, ширкат ва жамоа ҳўжаликлар, корхоналар кўчириб келирилганларнинг иссиқ-совуғидан болабар

бўлиб туриптилар. Бу ташвишларнинг даст-лабки кунларидек бир милли-он сўмдан хайри берган Шўрчидаги «Раҳмонберди» фермер ҳўжалиги оқсоқоли Мадат хожи Шойқулов билан сўхбатлашиб қолдим. Бугун-ги воқеаларни диққат билан кузатиб турган хожи газан-далар холини билмай, йўлбарсининг мўйловига қўл узатмоқчи бўлганини, ҳали

(Давоми 2-бетда).

МУҚАДДАС ХОТИРА

Муқаддас Ватан ҳимояси учун жони-ни фидо қилган ўғлонларимизнинг ёди, эртанги ёруғ кунимиз ва истиқлол ша-рафи учун кўксини қалқон қилган фар-зандларимиз хотираси бизга азиз ва муқаддасдир. Улар шу овоз юрт учун, она-тупро-ғимизни покиза сақлаш учун қўлларига қурол олишга мажбур бўлдилар. Улар билардиларки, орқага йўл йўқ. Чўчки ўзларининг ортида тинч ва осу-да меҳнат қилаётган халқи бор, овозд Ватани бор, унда хур ва эркин яшаёт-ган Ўзбекистон келажаги — болалари-миз бор! Шу туфайли улар тоғ ораси-да душман йўлида тоғ бўлиб қолди-лар.

Ўзбекистоннинг ана шундай тоғ йи-гитлари бор экан, ҳеч қандай ганим унга қутқу соломмайди!

Улар ҳали ёш эдилар. Эркин юрт-нинг бир фўкариси сифатида уларнинг

да орзу-ниятлари мўл эди. Уларнинг пок орзу-ниятларини энди укалари, дўсти-ёрлари амалга ошираддилар. Биз, сиз — ҳаммамиз улар орзу қил-ган кунлар нафаси билан яшаймиз ва яшаймиз. Уларнинг муқаддас хоти-раси бизни нафақат фидойилликка ва бунёдкорликка ундайди, балки ҳам-иша хўшёр ва огоҳ бўлишликка ҳам чорлайди. Уларнинг қисқа ва мазму-ли ҳаёт йўли барчамизга ибрат мак-таби бўлиб қолади.

«Халқ сўзи» газетаси бу фидойи Ва-тан ўғлонларининг хотирасини азиз тутиб, уларнинг ҳар бири ҳақида очерк ва лаҳзалар бериб боришга қарор қил-ди. Токи, барча бу қаҳрамон йигитла-римизнинг ибратли ҳаёт йўллари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлсин ва ёшларимизни ана шундай яшашга ва Ватан учун ана шундай хизмат қилишга даъват этсин.

Ватан фидойилари ҳақидаги дастлабки мақолала-римизни Сиз газетамизнинг иккинчи саҳифасида ўқийсиз.

«ҲАММАСИ ЎҚУВЧИЛАР УЧУН»

Севара ва Бахтиёрнинг шодлиги оламга сиймайди. Кеча Комил ака — уларнинг бо-боси иккаласини пойтахтдаги «Чилонзор савдо маркази» жамоа корхонасида янги ўқув йили олдидан очилган «Мактаб бозо-ри»га олиб борди.

— Аввал Севарахон учун дафтар ва ўқув қуроллари харид қиламиз, — деди бобо. — Кейин сенга, Бахтиёр-жон, келишимми?

Севара 2-синфда, Бахтиёр эса 4-синфда ўқишади. Шу боис улар ўзларига нималар зар-рурлигини жуда яқин биладилар. «Мактаб бозори»да ёзув-чизув учун керакли турли ту-ман ашёлар, ҳатто чи-ройли кийим-кечак ва бежирим пойабзаллар ҳам мавжуд эди. Бахтиёр бир пас ичида барисини санаб чўкиб, бобосидан сўюччи олишга ҳам улгурди: 20 номдаги товарлар бор экан!

— Масалан? — деб сўради Комил ака —

— Ўқувчилар даф-тарлари, умумий даф-тарлар, кундалиқлар, расм чизиш учун аль-бомлар, рўқчалар, стерженлар... Яна ран-гли қаламлар, линей-калар, портфеллар...

Комил ака улар учун нафақат дафтар, порт-фел ва ўқув қуролла-ри, балки кийим-кечаклар ҳам сотиб олди. Сўнгра бобо ва неваралар «Мактаб бозо-ри» ёнгинасида ташкил этилган махсус ошхонага кириб, мазза қилиб тушлик қил-дилар. Севарахонга, айниқса, музқаймоқ ва «кока-кола» ёқди...

Бундай қувнокли воқеага бугун ҳамма жойда гувоҳ бўлиш мумкин. Чўнки муста-қил мамлакатимизда ўқувчиларнинг чўқур билим олишлари, соғлом ва бақувват, юр-тининг ҳақиқий ватанпарварлари бўлиб ўсиб-

улғайишлари учун давлат миқёсида гамҳў-рилик қилинапти. Ҳар йили янги-янги мак-таблар, академик лицейлар, коллежлар қурилиб, фойдаланишга топширилётгани, синфхоналар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланётгани, янги ўқув йили ара-фасида эса мактаб бозорлари ва ярмарка-ларни ташкил этиш аънаънага айлангани бун-нинг ёркин далилидир.

«Ўзбексавдо» акция-дорлик компанияси ра-исининг ўринбосари ва-зи фасини бажарувчи Раъшан Ҳамидбеков-нинг таъкидлашича, бу йили «Қорақалпоқсавдо» акциядорлик компания-си, «Савдо» ҳудудий ак-циядорлик компаниялари ва Тошкент шаҳар Истеъмол моллари иш-лаб чикариш, хизмат кўрсатиш ва савдо департаменти, шунингдек, «Кийим», «Пойаб-зал ва спорт моллари», «Маданий молла-ри» акциядорлик жамиятлари томонидан барча йирик универмаглар, супермаркет-лар ва дўконларда мак-таб бозорлари ва яр-маркалари очилган. Ху-сусан, Тошкент шаҳри-да 38 та, Қорақалпоқис-тон Республикаси ва вилоятларда 90 та мак-таб бозори ва ярмар-каси ҳамда ёзув-чизув ашёлари сотадиған махсус дўкон ишлаб ту-рибди. Бу бозор ва яр-маркалар, дўконлар чи-ройли безатилиб, уларнинг пештоқиға «Ҳам-маси ўқувчилар учун» ёзуви битиб қўйил-ган. Шунингдек, уларда турли озиқ-овқат-лар, ширинликлар, чанқовбосди ичимлик-лар, музқаймоқлар савдоси ҳам ташкил этилган.

Ў.ИКРОМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
СУРАТЛАРДА: Тошкент шаҳрида очилган «Мактаб бозори»дан лаҳзалар.
Т. КРАВЧЕНКО олган суратлар.



Мактаб бозори

ВАТАН ЯГОНАДИР, ВАТАН БИТТАДИР

Сурхондарё вилоятининг Сарбосиё ва Узун туманларида бўлиб ўтатган воқеалар муносабати билан Қарши шаҳрида вилоят фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзимизни ўзимиз асрайлик

Вилоят ҳокими Б.Ҳамидов бошқарган фаоллар йиғилишида сўзга чиққанлар мамлакатимиз жанубидаги тоғларга бостириб қирган бир гуруҳ жангарилар юртимизда олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, катта ўзгаришларни кўролмаётган хориждаги айрим кучларнинг малайлари экани, халқимиз ўзи озодлигини қадрига етиши, Ватанимизни, мустақиллигимизни ҳеч қимга бермаслигини таъкидлади. Бу оддий ҳақиқатни бугун ҳар бир ёш қари қашқадарёлик яхши тушуниб турибди. Фақат бир дақиқа ҳам бепарволикка берилмаслигини, ҳамisha оғоҳ ва эйрак бўлиб, ўз уйимизни ўзимиз асрашимиз зарур, дея таъкидлашди йиғилиш қатнашчилари.

А.ТАЙПАТОВ,
ЎЗА мухбири

Сарбосиё ва Узун туманларининг Тожикистонга чегарадош тоғ қишлоқларига қўланка соломқочи бўлган жангари унсурали ноф қилиш ҳаракатлари бошланганга кўп бўлган йўқ. Лекин Ватанимизнинг баҳодир ҳимоячилари ўртасида мардик, дўстлик ва одамшарқиликни улуғловчи лавҳалар, ҳикоялар, ҳатто, шўхшаън латиғалар тугиш, зўрунган зўрунганга, оғиздан оғизга кўчиб юрибди.

Ҳа, одамзод кўнглидаги энг яхши гапини кўнжик қилиб қўлайди. Оддий аскар Марат Тоғоевнинг йўл-йўлакай менга айтганлари оддий эҳтисас эди. Мана унинг — сокин, секин ва самимий айтган кўнжикларидан қатрлар.

МЕНГЛИМУРОД
Менглимураднинг бу ерда кўпчилик танийди. Алоқачи. Иякларни олдинга туртиб чиққан, йўлбарсдай бола. Уртқоқлари хазиллашиб уни «Маугли» деб ҳам аташади. Маугли деганларича бор. Тоғ-тошларнинг, даракирликларнинг «тилини» билади. Тепалик томонга юриш бўлганда ўзи биллиб-билмай ҳаммадан олдинга ўтиб кетиб қолади.

Девлоқ тепалигида

ЙИГИТ ОМОН БЎЛСА...

бир гал шундай бўлди, Менглимурод кўролдошларидан бир чакримча узоқлашди. Бир чоқ пистирмадан жангари отган ўқнинг шапқасини учуриб кетди-ку. У ўзини пананга олди. Ўт очди. Ганим кўпчилик экан. Унга яқинлашиб кела бошлади. Менглимурод икитасини ер тишлатди. Лекин улар яқинлашиб келавердилар. Менглимуроднинг ўқдориси тугади. Шунда кўз илғамас бир ҳаракат билан ўрнидан туриб, тик кири қўндаланга кесиб душманга чап берди.

Тоғ ҳавоси сийрак. Кўёш жазирамаси тошдан қайтиб, баданга жазиллаб ботиб кетгандай бўлди. Менглимурод шу иссиқда ўқдан тез уни чопгани таъсир қилди, юраги уриб қолди. Сунъий нафас олдириди. Кейин дўхтирлар уни кўриб, юракни даволатиш керак, дейишган экан, Менглимурод унамапти. Даволанишга вақтинг йўқ, ҳалок бўлган кўролдош дўстларини учун қасос олишим керак. Га-

ҲАММАНИНГ ДИЛИДА ЯГОНА КАЛОМ

(Давоми. Боши 1-бетда).

улар кунларини кўришини, бу аҳил ва баҳодир, мейр-оқибатли халқ билан ўйнашиб бўлмаслигини айтди.

Энди ўз хисобидан қишлоғида кўпик, кўча қурган, 300 ўринли мактаб қурган Денов туманидаги «Лочин» фермер хўжалигининг ҳимматини кўриб.

— Ҳозир менинг бир оёғим Сарбосиё ва Узунда, — дейди фермер хўжалиги бошлиғи Аҳмад Нарзуллаев. — Кўкрагини қалқон этиб юртни ҳимоя қилаётганлар учун 1800 килограмм гўшт, 3 тонна картошка, пиёз етказиб бердик. Хайт, деган тугага мадад, дейдилар. Биз бир жон, бир танмиз. Йи-

гирма тўрт миллионли шу буюк халқ асли бир одаммиз. Бизни кўрқитиб, таҳликага солиб бўлармиди. Тушларини сувга айтсин ўша ўзини билмаганлар.

Мен жангарилар ин қўроқчи бўлган Турди хожи йилларда молини боқиб юрган Абдулла исми 12 ёшар болакай билан суҳбатлашиб қолдим. Бадуҳур газандалар унинг молини тортиб олиб, сўйиб елишибди. Болакайга қўл кўтаришибди. Сени отиб ташлаймиз, деб зўғум қилишибди.

— Осмонда вертолётлар пайдо бўлганини кўриб, улар думларини қисиб қолиши, — дейди Абдулла овозлари мағрур тортиб. — Уларнинг беки-

ликлиги, ёмонлиги эсимдан чиқмайди энди. Мен уларнинг қимлигини билдим. Билганларимни бошқаларга айтиб юрибман...

— Ватанини фақат кўролроғ билан ҳимоя қилиб бўлмайди. Ватанини жон дил билан, орзу-умидлар билан, мен хали ёш ёки мен энди қаридим, деган гап-сўзларсиз ҳимоя қилмоқ керак экан, — дейди ўша йилларда мол боқиб, босқинчиларнинг зўғумидан тани жароҳат олган, юраги қалқиган, кўнглида уларга қаҳр-ғазаб олови ёнаётган 20 ёшлардаги Абдуманнон Ботиров деган йигит.

... Одамларимиз юрағида душманга нисбатан қасос олови алангаланди. Бу аланга унча-мунча қора кўлананинг қулини кўкка совураб.

кўрқмайди. Бундай пайтда қаҳрамонлик кўрсатиш ҳақидаги орзуларинг ҳам четда қолади. Ориятни ўйлайсан. Йигитлик орияти. Ота-онангининг, қариндош-уруғларнинг, ҳамқишлоқларнинг, боғрини, бутун Ватанингни орияти. Ана шу буюк орият тизангага дармон, белинга қувват, кўзинга нур бахш этиб боради. Яратган суйган бандасини шу муқаддас ориятдан дариг тутмасин, дейман.

МАРАТНИНГ ГУРУНГИНИ ОЛИБ БУГАНАМАН ДУШ ШАХРА ТМОМ ЙЎЛ ОЛАМАН. Сарбосиёда бозор гавжум. Кўчаларда машиналар тиғиз. Одамларнинг одами, ўктам, дади. Қайси бир хондонда тўй масаҳати. Хўжалиқларда пахта йиғим-теримида тайёрларилу галла экишга бағишланган кенгашлар. Мустақиллигимизни нишонлаш арафасидаги юмушлар...

Бу оқошталлик бепарволикдими? Зинҳор ундай эмас! Бу ўз хоҳиш-иродасига, куч-қувватига, дўст-биродарига, баҳодир ўғонларига, дуварга Юртбошисига ишонган инсонларнинг, бошир ва собат одамларнинг хотиржамлиғидир. Қундалик ҳайратларидир.

Олимжон УСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Абдуҳалим эндигина ўтиздан ошган эди. Бир акаси, икки ораси, тўрт синглиси, икки ўқасини жуда яхши кўрарди. Қизалоқлари — Дилором, Гулҳайр жони дили эди. Хали бир ёшга ҳам тўлмаган ўғли — Равашини еру кўкка ишонмасди. Хотини Дилшоода билан унинг келажак ҳақида соатлаб ширин хабллар суртишарди. «Америкада ўқиса, элнинг кўзга кўринган одами бўлса...» Хабллар балки хаблликча қолмас. Эҳтимол, Равашиноқ отаси — Абдуҳалим Тошқулгов орзу қилганидан ҳам зиёда йигит бўлиб воғоя етар. Аммо... Абдуҳалимга ўша кунларини кўриш насиб қилмади.

СЕНДЕК ЙИГИТЛАР БОР ЭКАН...

Китоб туманидаги Раззоқ Саймонов номи хўжалигининг Сарой қишлоғи қабристонини ҳеч қачон бундай тумонат одами кўрибмаганди. Ёшу-қари шу кунчи Абдуҳалим тобутини кўтаришга, унга сўнги хўрамининг бажо келтиришга ошқиди. Хўш, Абдуҳалим ким эди?

Абдуҳалим Тошқулгов Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги Махзуна номи мактабни битирган, ҳамма қатори ишлади, ҳарбий хизматни адо этди. 1996 йилдан бери Шаҳрисабз тумани ички ишлар бошқармаси кўриқлаш бўлимида милиционер бўлиб ишларди. Ҳаётининг хизматини адо этди. Сурхон воҳасига бир гуруҳ фамилилар сукулиб кирганини эшитган, унинг тинчи, оромий йўқолиди. Ота-онаси, хотини, қизалоқлари,

ўғилчаси, ака-ука, оқашингилари, қишлоқдошлари, хизматдошлари кўз олдига гавдаланди. Китоб тоғлари, Шаҳрисабз боғлари, Оксарой майдонида кезгандай, гулларга кўмилиб ётган Амир Темур ҳазратларининг хайкали ёнида сайр қилиб юргандек бўлди. Тўғри, у бандларга қўллар қилмади. Хотини Дилшоода «Бориб келаман» деди холос. Борди... Бироқ келиш насиб қилмади. Ҳамқишлоқлари, барча-барчанинг хотирасида халқ қаҳрамони сифатида қолди энди у. Негаки, у Ватани учун жон берди. Шунинг учун ҳам дафн маросимида қўздан ёш оқмаган одам қолмади. 60 ёш остонасида турган Муқаддам она, 68 ёшли Жумабой ака шу кунчи қон йиқди. Дилшоданинг фарёд чек-

канини кўрган одамнинг бағри-дили эзилиб қетди. Ва, қалбида ана шу кўргиликларга сабабчи бўлган душманларга нисбатан чексиз қаҳр-ғазаб пайдо бўлди. Бир ғазабки, чеки, адоғи йўқ. — Қараб туришимиз хали, — деди кўзлари қизарган барваста йигит. — Бир Абдуҳалим учун жангариларни

охиргача қириб ташлаймиз. Токи, мустақил юртимизга ўйлаб қандай қўйдиган бўлишимиз...

Ҳа, халқимиз хиёнатни кечирмайди. Ватан учун жонини фидо қилгани эса бошига қўради.

Абдуҳалим, укажон! Сен ўзининг бурчингни бажардинг. Энди номинг фақат яхши сўзлар билан тилга олинмай. Фалончининг боласи шундай иш қилди, деб ота-онанинг номи тилларда достон бўлмай. Фарзандларинг, ҳамқишлоқларинг, ҳамқишлоқларинг хамиша сен билан оқириниқ тугай. Тўғри, худди оқириниқ жигарларингга сабр-қаноат тилаймиз. Сендек йигитлар бор экан, юртимиз тинч, элимиз оқошайга бўлмай.

Нарзулла РАВШАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

МУҚАДДАС ХОТИРА

ОРЗУЛАРИ БИР ОЛАМ ЭДИ

Пахтаобод туманида яшовчи Хосиятхон опанинг фарёдага тасалли беришга, юзини ювиб тушаётган кўз ёшларини тўхтатишга бандаси оқиллик қиларди.

Мадааният қишлоғининг Иттифоқ маҳалласи яқинидаги қабристонда яна бир қабр пайдо бўлди. Ҳали ўн гулдан бир гули очилмаган, орзулари бир олам бўлган, айнаи куч-қувватга тўлган, алп қоматли, йигирма бир ёшли йигитнинг қабри. Елкалари кенг, биллаклари бақувват бў йигит нега ҳаётдан эрта кетди?

Бундан уч йил аввал айнаи ўн саккиз ёшга тўлган Дониёр ҳарбий хизмат сари отланар экан, отаси Абдумуллаёв ака ва онаси Хосиятхон опага қатъий сўз берган эди. «Мендан ҳавотир олмаганлар, албатта, эсон-омон қайтаман». Юрт тинчлигини қўнғиллаётган хотирча ота-она дуо учун қўл очдилар: илоё, ой бориб омон қайтгин, болажоним...

Бир ярим йиллик йигитлик хизматини аҳоли даражада ўтаб бўлган, у чегарачилар сафида қилиб хизматини давом этти-

ришга қарор қилди. Зеро, мустақил юрт чегарасида хизмат қилиш Дониёр учун катта шараф эди. Сурхондарё вилоятининг Тожикистон билан чегарадош бўлган тоғлик худудда жону дили билан хизмат қилаётган эди. Истиқлол байрамимизнинг 9 йиллигини кўп қатори у ҳам интиқ кутаётган эди. Ўша машум кунда юрт мустақиллигини кўра олмаётган босқинчи тўда аъзолари — жангарилар чегарамизга ҳужум қилдилар. Чегарачи ўғлонларимиз душманга шердек ташланиб, қўқсиларини қалқон қилдилар. Пахтаободлик алп йигит жангилар олдига эди...

2000 йил 11 август кунчи эндигина йигирма бир ёшли қоралаган Дониёр Тожибоев Ватан химояси йўлида шаҳид бўлди. Орзулари, армонлари ўзи билан бирга кетди...

Дониёр Тожибоев Пахтаобод туманидаги 26-ўрта мактабда таълим олганди. — Жисмоний жиҳатдан бақувват, одоиб билан тенгдошларидан алоҳида ажралиб турар эди, — дейди мактаб директори Комилжон Хурбоев.

— Бир кунчи кўчада учрашиб қолдим, — дейди муаллима Нурия опа Ҳабибжонова. — Ҳарбий хизматдан таштига келган экан. Салом бериб, соғлигини сўради. Кейин эса, «Нурия опа, мени кечиринг, дарсларда гапирингани ўқмай, хафа қилган эканман. Мана энди қарийда бўлиб, кўп нарсаларни тушулдим. Ҳарбийдан қайтсам, ички ишлар соҳасида ишламоқчиман» деди. Мен ўшанда Дониёрнинг охириги марта кўриб турганимни хабарима ҳам келтирмаган эдим.

Бугун Дониёр Тожибоев ўсган оилага келиб-кетувчиларнинг кети узилмади. Уларнинг кўчилиги Мадааният қишлоғидаги Ҳабибжон Баъзилов хатто ҳарбий хизматга ҳам қақирилмаган. Йигитлар халқини бир армон ўртамоқда. У ҳам бўлса, душмандан қасос олиш. Озод юртимизга кўз олайтирганларга ўзбек йигити қандай бўлишини кўрсатиб қўйиб.

Феруза МИРЗОЛИМОВА,
журналист.

ТУЯ НЕЧА ТАНГА?

Болаликдан бирга ўсган дўстим тўйга айтиб кетди. Бордим. Тўй яхши нарса-да. Қадрдошлар дийдорига тўйсиз. Халқимиз ҳам ўрганиб қолди: катта тўй арафасида қувончи кўнчини элга баҳам қўради. Ўша тўйда ҳамма «ушлаган жойини қўймайдиган» амаким билан гурунлашиб қолдим. Ҳол-аҳвол сўрашдан бошланган суҳбатимиз бахсга айланиб кетди. Сиз ҳам эшитинг-а.

— Бу дейман, Тошкентдагилар пастгадга аҳволдан хабардорми ёки ҳаммамнинг егани олду, егани орқасида деб ўйлашарми? — Нега хабардор бўлишмасин, мана бизнинг ҳам еганимиз олдинда эканлиги кўриниб турибди-ку?

— Сен, бола, гапни айлантормасан, мана, ўғлим ишлаётган комбинатда оилаб маош беришмаяпти. Шунчи биласанми?

— Фақат у ерда эмас, бозор талабларига жавоб бермаётган, оқибатда ҳисоб рақамидан пули йўқ бошқа қорхоналарда ҳам аҳвол дуруст эмаслигиндан хабардорман. Ҳўш, сиз айтган комбинатда нега иш ҳақи вақтида берилмаётганининг сабабини сиз ўзингиз биласизми?

— Ҳе, сабаби билан нима ишим бор. Така бўлсин — сўт берсин...

— Ҳозир шундай замонки, ҳар бир нарсанинг сабабини, туб илдинини аниқлашимиз керак. Демак, сиз замондан орқанда қолибсиз.

— Биз кичкина одам. Қоқликда айбаликам ҳам қолзимиз.

— Энди жамиятимизда «кичкина одам» бўлмайди. Бошқарув ишида ҳар бир фуқаро қатнашади.

— Ҳўш, шундай ҳам дейлик. У ҳолда нега буналадиган гапни ёзмайсиз? Тунов кунчи «Гуруримиз оламини тўйсиз» деб мақола ёзгансан. Ўзинг айт, бу гапларга қорин тўйдими?

— Ававалмбор инсон бу дунёга фақат еб-ичиш учун

«Ўздонмаҳсулот» Давлат акциядорлик корпорацияси ташаббуси билан Жарқўрган туманида «Алпоминш» қўшма қорхонаси қад ростламоқда. Бир кунда 180 тонна бугдойни қайта ишлаш қувватига эга бўлган мазкур қорхонанинг барча асбоб-ускуналари хориждан келтирилмоқда. Шу кунга қадар 2 миллион 400 минг долларлик ана шундай жиҳозларни қўлиб ўрнатилди.

Қўшма қорхонани мамлакатимизнинг Мустиқиллик байрами арафасида ишга тушириш учун барча чора-тадбирлар кўриломоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Бу йил боғбонлар учун бақрақали келди. Боғлардаги ўрик, шафтоли, олма, узумлар шигил-шигил етилиб, шохини қўтаролай қолди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, боғдорчиликда кейинги тўрт-беш йил ичида бундай серҳосил йил бўлмаган. Демак, ана шундай имкониятнинг ҳар дақиқасидан унумли фойдаланиш нафақат деҳқон ёки маҳсулот тайёрловчи, балки уни қайта ишлашчилар учун ҳам ниҳоятда зарурдир. Акс ҳолда, вақт бой берилиб, киш ва баҳор мавсумларида қуритилган ва консервланган ёз нэматларининг камбўлигига, улар нархининг ошишига олиб келади. Натияжада яна хориждан келтирилаётган маҳсулотларни истеъмол қилишга мажбур бўламиз.

Албатта, бу ўринда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган қорхоналарнинг ўрни қаттиқдир. Қишра туманидаги Янги Тошкент консерва ҳиссадорлик жамияти ҳам ана шундай қорхоналар сирасига кирди.

Мазкур қорхона пишиқчилик мавсуми бошлангандан бун хўжалиқлардан 700 тонна атрофида помидор, 400 тонна шўла мева қабул қилиб қайта ишлаган. Бирок унинг қулниқ қуввати 500 тонна эканлигини ҳисобга олмас, ўтган май, июн ва июл ойларида бу қувват билан бор-йўғи икки кун ишлаганилиги аён бўлади.

Мана, оддий бир мисол.



СУРАТДА: «Сурхондонмаҳсулотлари» вилоят бирлашмаси бош муҳандиси Аҳроржон Пулатов ишчилар билан янги жиҳозларни ўрнатмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

— Бунга асосий сабаб хўжалиқлар белгиланган миқдордаги маҳсулотни ўз вақтида етказиб беришолмаяпти, — дейди жамоа раҳбари Раҳматилла Сайиддинов. — Бунинг устига, қабул қилиб олаётган маҳсулотларимизнинг ҳам асарият қисми сифатсиз, талабга жавоб бермайди.

Бир томондан қарасангиз, раҳбар ҳақдек туюлади. Аммо масаланинг яна бир муҳим то-

Бундан уч йил аввал қорхона туманининг «Бурюта», «Мадааният», «Турон», «Истиқлол», Навоий номи, Т. Нормухамедов номи хўжалиқларига шартнома асосида ўз акцияларининг 20 фоизини сотган эди. Бундан мақсад — деҳқонни нафақат маҳсулот еттиштиригани учун, балки унинг қайта ишланганидан ҳам манфаатдор этиши эди. Афсуски, бу янгилач усулдан деҳқонлар

Масаланинг яна бир кишини ўйлантирадиган томони шундаки, бу йил ҳам ҳиссадорларнинг дивиденд олиши гўмонга ўхшайди. Чунки бугунги кунда қорхона омборида қарийб 100 миллион сўмлик маҳсулот тўпланиб қолган. Шундан 10 миллион сўмлик ўлган йилги маҳсулотлардир. Худди шунингдек, ўтган йили қорхонанинг экспорт режаси баҳарилмай қолиб кетганди.

Бундан нафат тўпашмаяпти. Харид қилинган акциялар учун дивидендлар берилмаяпти.

— Деҳқончи-ку қўйиб турайлик, шу қорхонада ишлаб неча йилдан бун дивиденд ололмаганми, — дейди томат ишлаб чиқариш цехи бошлиғи Тўрабой Уринов.

Ачинарлиси, ҳиссадорларнинг асарият қисми ўз ҳуқуқларини биллишмаяпти. Жамоа аъзолари билан бўлган суҳбатда яна шу нарса аниқлашдики, қорхонада ўтган вақт давомида ҳиссадорлар йиғилиши ўтказилмаган, уларга бу ҳақда ҳеч қандай тушунтириш берилмаган.

Гўза парваришига эътибор

Жиззах вилояти ҳокимлигида гўза парваришини жадаллаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлди. Шаҳар ва туман ҳокимлари ҳамда мутасадди ташкилотлар раҳбарлари ишториқда ўтган йиғилишни Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Журабеков бошқарди.

Сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, бу йил гарчи суз тақчиллиги ўз таъсирини ўтказиб қолмабди, вилоятда тикланажак 248 минг тонналик хирмонни бунёд этиш учун етарли ҳосил тўлланаяпти. Ҳозирча ҳар тўп гўзада қарийб олтиндан тўк қусак ҳосил қилинган. Гўза парвариши юксак агротехника талаблари асосида уюшқоқ билан олиб борила. Бўлик қўсақлар сонини янада орттиш мўқарар. Шу боис, гўза парваришини жадаллаштириш зарбдор 20 кунлиги эълон қилинди.

Айнаи вақтда вилоятнинг айрим туманларида бу муҳим агротехник тадбирларни амалга оширишда сусткашликка йўл қўйилаётганига жиҳдий эътибор қаратилди. Жумладан, Арнасай туманида 3,5 минг гектар, Зафаробод туманида 3,7 минг, Зомин туманида 1,9 минг, Зарбдор туманида 1,8 минг гектар ёки вилоят бўйича жами 18 минг гектар майдондаги гўза ривожланишда орқанда қолмоқда. Биринчи галда айнаи ана шу даладарда суғоришни тўғри йўлга қўйиб, гўза парваришини қўйатириш талаб этилади.

Шу билан бирга, йиғилишда пахта йиғим-теримига тайёргарлик, зарур техникани ташмирлаш ишлари қандай бораётгани ҳам мувоқама этилди.

Йиғилишда вилоят ҳокими Ш.Мирзиёев иштирок этди.

(ЎЗА).

навий «Кетчуп» линияси ўрнатилганди. Орадан шунча вақт ўтибдики, уни ишга тушириш ҳеч қимини хабарига келмаётган. Ана шу бепарволик тўғрисида янги технология ҳароб аҳолига келиб қолмоқда.

Бунинг сабабини қорхона раҳбари Раҳматилла Сайиддинов сўрасангиз, «Мен бу ерга раҳбар бўлганимга эндигина уч ой бўлди. Бундан мен мулталоқ бажарганим» дейиш-

цехи қуриш режаси борлигини айтганда...

Ҳўш, аслини олганда, қорхона иши ўлда-ўйда бўлиб турган бир пайтда шарбат цехи ва қозонхона қуриш учун катта миқдорда маблағ сарфлаш ўрнига шундоққина кўз олдиданги тайёр замонавий «Кетчуп» линиясини ишга тушириш осеорқамасми?

Ишқилиб, нима бўлганда ҳам, янги раҳбарнинг «қалласида пишиқ етилган» бу гоғлар қанчалик фойда келтиришини билмайдиган, аммо изланиши, янгиликка интилиб ишлаш сезилмаяпти. Ваҳоланки, бугунги кунда қорхона ички ортиқча харажатларсиз кўз-кўз қилдиган йўллари кўп. Хулусан, чет эл сармайсини жабул этиш, мавҳуд 6 гектардан зиёдрок майдонни эғлалаб ётган қорхона худудиданги бунчи биноларнинг бир қисмини хориқликларга ва тадбиркорларга ижарага бериш ҳам катта фойда келтиради. Эҳтимол, юмушлар аввалдан қилинганда, балки айнаи мавсум пайтида қорхона учун муаммо бўлиб турган шакар, полиэтилен қоплар, темир қутилар масаласини ҳал этилган ва пишиқчиликнинг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланилган бўлармиди?

— Жуда бўлмаганда қорхона ривожлантириш, оёққа турғазиб бўйича дастуригиз бориб? — сўраймиш ундан.

— Бор, фақат ҳаммасини калламга жойлаштириб олганман. Масалан, олинган фойдада қозонхона, шарбат цехи қурмоқчимиз. Шунга ҳам дастур керакми? — дейди у бизга зарда билан.

Дароқе, қорхонадаги аҳвол ва янги раҳбарнинг иш режасидан ҳафсаламиз пир бўлиб қайтарганимиз, бундан уч йил аввалги воқеа кўз олдимиғизга келди. Ушунда ҳам қорхонанинг собиқ раҳбари Мухтор Акбаров қозонхона ва шарбат

ПИШИҚЧИЛИК МАВСУМИ БОЙ БЕРИЛМОҚДА. НЕГА?

Бу йил бу кўрсаткич 320 минг АҚШ доллари этиб белгиланган. Аммо шу пайтга қадар биронро хориқлик ёки маҳаллий тадбиркор қорхона маҳсулотни билан қизиқмаган, Шунингдек, яқин Ҳамдўстлик давлатлари билан қўшунлик жўнатиш юзасида шартнома тўзилмаган.

Ҳўш, аҳвол ана шундай давом этса, қорхонанинг келажак нима бўлади?

Ана бир гап. Бундан тўрт йил аввал мазкур қорхона цехларининг бирига Ҳиндис-тонининг «Ақшай» фирмаси ва «Ўзметсабзавотуэкономсаноат-холдинг» компаниясининг ташаббус

АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ «РАХТА БАНК» И

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ НУФУЗЛИ ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

Банк таъсисчиларининг биринчи йиғилишидаёқ, у собиқ «Агротрансбанк» дан ажралиб чиқиб, «Ўзбекистон-саноатбанк» ёлиқ турдаги акциядорлик жамияти сифатида фаолият юрғата бошлади. Унинг Устав фонди 100 миллион сўм эди белгиланди. 1993 йили банкнинг Туркия «Зироат» банки билан ҳамкорликдаги «УТ-Банк» Ўзбекистон-Туркия қўшма банки ташкил этилди.

1994 йилда «Ўзбекистон-саноатбанк» очик турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. Юридик ва жисмоний шахсларнинг чекланмаган доираси ўртасида жойлаштириш учун умумий миқдори 100 миллион сўмлик банк акцияларининг I эмиссия проспекти чиқарилди. 1995 йили эса ихтисослаштирилган акциядорлик тижорат «Пахта Банк» ташкил топди. Молиявий, мулкӣй ва бошқа мажбуриятлар ҳамда талаблар буйича у «Ўзбекистон-саноатбанк»нинг ҳуқуқий вориси бўлиб қолди. Устав капиталли 300 миллион сўмга етказилди.

Утган давр мобайнида «Пахта Банк» дунё молия тизимида ҳам дадил қадамлар билан кириб борди. Банк S.W.I.F.T. Жаҳон банклараро молиявий телекоммуникациялар ҳамжамияти аъзоллигига қабул қилинди. Бу унинг Ўзбекистон қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатувчи нуфузли банклардан бири сифатида эътироф этилганидан далолатдир.

1999 йил, айнқисса, «Пахта Банк» учун кескин ривожланиш ва молиявий жиҳатдан мустаҳкамланиш йили бўлди. Устав капиталли 6 миллиард 400 миллион сўмга етказилди. Шу йили банкнинг «Пахта-Сервис» депозитарийси ва «Пахта-Инвест» бошқарувчи компанияси шўба корхоналари таъсис этилди. Мухими, «Пахта Банк» Осий-Тинч океани қишлоқ хўжалигини кредитлаш уюшмаси (АПРАКА) ҳамда Қишлоқ хўжалигини кредитлаш халқаро конфедерацияси (КИКА) ташкилотларига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

Шу билан бирга, акциядорлик тижорат «Пахта Банк»и ўтган йилларда ўз фаолиятини универсаллаштира бориб, халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда, ўзининг стратегийси ҳамда ташкилий тузилмасини тубдан қайтадан қўриб чиқди. Жумладан, Казначейлик, банк филиаллари фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Маркетинг, Лойиҳаларни молиялаштириш, Молия менежменти каби бозор тамойиллари асосида иш юритувчи бошқармалари тузилди. Бунинг самараси ўлароқ, банк капиталли кескин кўпайтириш, унинг молиявий ҳолати ва кредит портфелининг сифатини яхшилаш, кичик, ўрта бизнес субъектлари ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан кредит қўйилмаларини кенгайтириш, хусусий ресурслар базасини, шунингдек, корпоратив акциялар иштирокидаги операциялар салмоғини ўстириш, халқаро банклар билан алоқаларни кучайтириш, банк операциялари ва хизматларининг янги турларини жорий этиш, банк фаолияти ҳар бир жаба-сани маркетинг нуктаи назаридан юритиш асосий йўналишларга айланди.

Бугунги кунда «Пахта Банк» таркибида 13 вилоят бошқармаси, 184 бўлим ва 21 мини-банк мавжуд. Уларда 6,5 мингдан ортиқ ходимлар фаолият кўрсатмоқдалар.

«Ахбор-Рейтинг» банклараро компаниясининг таҳлилига кўра, мамлакатнинг энг йирик банклари ўртасида «Молиявий фаолиятнинг қўламчилиги» кўрсаткичи буйича «Пахта Банк» иккинчи ўринни эгаллаб турибди. Бошқача айтганда, кўпминглик акциядорларига эга «Пахта Банк» мулкчилигининг барча шаклларида фаолият юритувчи 180 мингга яқин миқозларга юқори даражадаги замонавий банк хизматларини кўрсатиб келаётир. Бу нималарни аналгадди?

«Пахта Банк» балансининг қиймати 53,7 миллиард сўмга ёки 3,2 маротаба ошди. Устав капиталли 41,9 баробар кўпайиб, унинг миқдори эълон қилинган ҳажмга, яъни 6,4 миллиард сўмга етди. Акциядорлар сони 25859 нафарга кўпайиб, жами 35 миң нафардан ортиди. Банкнинг хусусий депозит базаси кескин мустаҳкамланди. Кредит портфели 2,9 марта, факторинг операциялари 17,3, асосий воситалари 15,6 марта кўпайди. Корпоратив қимматли қоғозларга 999,9 миллион сўмлик қўйилмалар амалга оширилди.

Утган йили банк фақат ўзининг устувор вазифаларидан бири — қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотларида ҳисоб-китоб тизимини тақомиллаштириш, жойларда компьютерлаштириш, асосий қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган жараёни молиялаштириш ва бу йўналишдаги пул оқими устидан мониторингни ўрнатиш юзасидан қатор тадбирларни амалга оширди. Кредит портфелининг таркиби ўрта ва узоқ му-

Мустақилликка эришилган кундан бошлаб мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида банк тизимини ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда. Бу бежиз эмас. Зеро, бозор муносабатларига ўтиш даврида банклар иқтисодий тикланиш омили, соғлом иқтисодиётнинг қон томири бўлмоғи лозим. Ўзбекистоннинг йирик банкларидан бири — акциядорлик тижорат «Пахта Банк»и жамоаси ўз зиммасидаги ана шу вазифани баҳоли қудрат бажариб келмоқда.

2000 йил 7 август кунин акциядорлик тижорат «Пахта Банк»нинг ташкил топганига 5 йил тўлди.

датли кредитларнинг ҳажми ўсиши аздагина сифат жиҳатдан диверсификацияланди. Банк кредитларининг асосий қисми мамлакатимиз иқтисодиётининг реал сектори ҳамда базавий тармоқларига йўналтирилди.

Асосийси, «Пахта Банк» миқозларининг ҳақиқий ҳамко-

йўналтирилди. Банк Устав капиталли ва акциядорлар сонининг кескин ўсиши масаласига келсак, бу унга бўлган ишончининг йил сайин ортиб бораётганига ёрқин далилдир. Шуниси қувончлики, банк Устав капиталлида асосий таъсисчилар

СОҒЛОМ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҚОН ТОМИРИ

рига айланди. Уларга доимий равишда кенг қўламдаги замонавий ва мақбул хизматлар кўрсатишмоқда. Хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро молиявий муносабатларини яхшилаш, уларга банк консалтинги буйича кўмаклашиш, «Банк-Мижоз» компьютерлаштирилган дастурини ўрнаттиш каби ишлар эса узулуксиз амалга оширилмоқда.

Сўнгги тўрт йил мобайнида «Пахта Банк» мустақил халқаро аудиторлик компанияси раҳбарлигида аудит ва қўйилмаларни текшириш бўлими, уларнинг ижобий ҳулосаларини олишга сазовор бўлгани ана шу ютуқлар гарови бўлди.

«Пахта Банк», шунингдек, ташки иқтисодий алоқаларга алоҳида эътибор бериб, ўз акцияларининг маълум бир қисминини чет эл инвесторлари ўртасида жойлаштиришга киришди. Бу борада, яъни банк акцияларини чет эл фонд биржалари орқали сотувга чиқариш ҳамда уларни салоҳиятли стратегик ва тактик инвесторлар орасида тақсимлаш буйича ташкилий ишлар фаол амалга оширилмоқда.

Шу ўринда банк Кенгаши ва Бошқаруви томонидан ходимлар билан ишлашга катта аҳамият қаратилаётгани, кадрлар сифатини кучайтиришга устуворлик берилганини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз. Хулоса қилиб айтганда, «Пахта Банк»нинг мустақиллик йилларидаги барча сабий-ҳаракатлари банк бизнес-режаси ва бюджетини ижро этишга, банкнинг ликвидлик ва фойдалилик даражасини ошириш, акциядорларга имкони борича кўпроқ дивидендларни тўлаш, шунингдек, республикамизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этиш ҳамда бу борада ўз зиммасидаги устувор вазифаларни оқилона бажаришга

қаторида республикамизнинг энг йирик ва нуфузли ташкилотлари — «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси, «Ўзгрокиметаъминот» бирлашмаси, «Ўзқишлоқхўжалик-таъминоттаъмир» қўмитаси ҳамда бир қатор пахтачилик хўжалиқларининг ҳам хиссаси салмоқли ўринни эгалламоқда.

Маълумки, 2000 йил 21 март кунин Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»-ги Фармони, 2000 йил 24 мартда эса Вазирлар Маҳкамасининг «Банк тизимини ислоҳ қилишнинг қўшма чора-тадбирлари тўғрисида»-ги 104-сонли қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорда банк тизимини ривожлантиришнинг рағбатлантириш мақсадида банк оборотига бўш пул маблағларини жалб қилиш ва банкларнинг иқтисодий реал секторларида фаолият кўрсатувчи корхоналарни кредитлаш имкониятларини кенгайтириш, уларнинг мустақиллигини таъминлаш ҳамда

аҳолининг молия-банк тизимига бўлган ишончини ошириш чора-тадбирлари белгилаб берилди. Шунга кўра, жамоа ҳозир асосий эътиборини банк капиталлини кескин кўпайтириш, шу мақсадда хорижий инвесторларнинг маблағларини кенг жалб қилишга қаратаётир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 18 ноябрдаги «Давлат мулкисини хусусийлаштиришда хорижий капитални жалб этишни рағбатлантириш буйича чора-тадбирлар тўғрисида»-ги 477-сонли қарорига мувофиқ ва шу ҳужжат асосида «Пахта Банк» томонидан белгилаб олинган тадбирлар режасига асосан эса, хорижий сармоядорлар ўртасида банк акциялари пакетининг

қиллигимизнинг 9 йиллик тўйига муносиб тўенаси бўлади.

Ёки Қарши туманидаги «Ражаб момо» фермер хўжалигида мева ва сабзавотларни қуритиб, қадокловчи мини заводни молиялаштириш лойиҳасини олиб қўрайлик. Бу иккинчи лойиҳа буйича мини заводни етказиб берувчи Германиянинг «Тиссен Хандель» компанияси фойдасига аккредитив очилди. Яқин кунлар ичида мазкур мини завод ҳам ишга туширилиб, сифатли экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Булардан ташқари, Хоразм вилоятида 8 та, Қашқадарё вилоятида 48 та ва Самарқанд вилоятида 76 та янги ишчи ўрни ташкил этилади.

«Пахта Банк» инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда нафақат Германиянинг КФВ банки, балки бошқа бир қатор халқаро молиявий институтлар билан ҳам ҳамкорлик қилаётир. Хусусан, Германиянинг «Хиповерейнс» банки билан 5.000.000 Евро миқдорда кредит линиясини очиб тўғрисида битим тузилган бўлиб, бу маблағлар ҳам мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш ҳамда импорт ўринини бошувчи рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Шу ўринда «Хиповерейнс» банки «Пахта Банк»ка ҳуқумат қар-фолатисиз, ўзаро ишонч асосида кредит беришга тайёр

40 фоизгача миқдорини жойлаштириш ҳамда банк акцияларини жаҳоннинг нуфузли фонд биржалари расмий рўйхатида, яъни листингига киритиш буйича бир қатор вазифалар ҳам амалга оширилмоқда. Бунда айнқисса, «Пахта Банк» ва Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази ўртасида банк акцияларини чет эл инвесторларига сотишни амалга ошириш юзасидан тузилган ўзаро келишув муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, мазкур ҳужжатга биноан, ишчи гуруҳи Халқаро Истанбул Фонд биржасида бўлиб, «Пахта Банк» акцияларини сотиш шарт-шароитларини ўрганди, тақдимот ишларини ўтказди. Бундан ташқари, ушбу йўналишда бир неча инвестицион банк ва компаниялар билан ҳам музокаралар олиб борилди.

1999 йилнинг октябр ойида эса Америка Қўшма Штатларининг Нью-Йорк ва Вашингтон шаҳарларида ҳам «Пахта Банк»нинг тақдимот маросими ўтказилди. Тақдимотнинг асосий мақсади АҚШнинг бир қатор нуфузли инвестицион банклари ва компаниялари билан мамлакатимиз қимматли қоғозларини, хусусан, «Пахта-Банк» акцияларини халқаро молия бозорларига олиб чиқиш буйича ҳамкорликни фаоллаштириш, шунингдек, америкалик инвесторларни Ўзбекистондаги қимматли қоғозлар бозори аҳоли ҳамда унинг ривожланиш истиқболлари билан таништиришдан иборат эди.

Шуни таъкидлаш жоизки, мазкур анжуман чоғида АҚШлик ҳамкасблар томонидан «Пахта-Банк» тақдимот маросимига алоҳида эътибор қаратилиб, банкнинг халқаро миқёсдаги фаолиятида ҳамкорлик қилиш буйича фикр билдирилди.

Ва ниҳоят, жорий йилнинг апрел ойида бўлиб ўтган «Пахта Банк» акциядорларининг умумий йиллик ҳисобот йиғилишида илгари эълон қилинган акциялар миқдорини кўпайтириш, чет эл инвесторлари орасида жойлаштириш мақсадида унинг VI эмиссия проспектининг чиқаришга қарор қилинди. Шунга кўра, «Пахта Банк» устав капиталли 10 миллиард сўм этиб тасдиқланди.

Айни чоғда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат дастурига мувофиқ, «Пахта Банк» томонидан хорижий сармояларни жалб этиш юзасидан ҳам қатор тадбирлар жадал амалга оширилаётир. Масалан, ўтган йиллар мобайнида ҳуқуматнинг иқтисодиётни ислоҳ қилиш, унда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, бозор инфратузилмасини ривожлантириш, истеъмол бозорини тўлдирдиш, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида юрифтавчан сиёсатини изчил рўёбга чиқара бориб, «Бизнес-Фонд», Иш билан таъминлашга кўмаклашиш жамғармаси ҳамда деҳқон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан кредит линиялари очиб тўғрисида бош битимлар имзоланди.

Ҳап кичик ва ўрта бизнес субъектлари, яқка тартибдаги тадбиркорлар фаолиятини молиялаштириш ҳақида кетаркан, бу борада «Пахта Банк»нинг истиқболдаги асосий вазифалари қуйидагилардан иборат этиб белгиланишини эслатиб ўтмоқ лозим:

- Тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга ёрдам кўрсатиш учун биринчи навбатда уларга банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан имтиёзли кредитлаш механизмининг йўлга қўйиш;
- қишлоқ шароитида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида узоқ муддатли имтиёзли кредитлар ажратиш, бу билан импортни қопловчи ва экспортбоп маҳсулотлар етиштиришга эришиш;
- кичик деҳқон-фермер хўжалиқларини банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш йўли билан замонавий қишлоқ хўжалик техникалари таъминотини амалга ошириш;
- янги ташкил этилган ишлаб чиқариш корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида турли молиялаштириш манбалари ҳисобидан микрокредитлар ажратиш ва янги ишчи ўринларини яратиш.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, сўнгги йилларда «Пахта Банк» томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектлари, тадбиркорларга ажратилган кредитлар миқдори 4 миллиард сўмдан ошди. Унинг 2 миллиард сўмдан кўпроғи деҳқон ва фермер хўжалиқларига берилди. Банкнинг бу йўналишдаги фаолияти бугунги кунда ҳам изчиллик билан амалга оширилмоқда.

ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИҲАЛАР — АМАЛДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда юз бераётган ижобий ўзгаришлар асосан кичик ва ўрта тадбиркорлар синфини томонидан амалга оширилаётган, десак хато қилмаймиз. Президентимиз иккинчи кабирқ Олий Мажлисининг иккинчисида сессиясида сузлаган маърузасида, жумладан, «Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бугунги кунда биз учун ҳаёт-мамот масаласи, десак янглишмаймиз» деганлари бунга яққол мисол бўла олади.

2000 йилнинг биринчи ярмида республикамиз миқёсда 62,5 млн. АҚШ долларидида хорижий сармоя жалб қилиниб, унинг 16,6 млн. долларини ўзлаштирилган экан, бунда «Пахта Банк»нинг ҳам улуши борлиги қувончли ҳолдир.

Ҳап шундаки, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 январдаги 38-сонли қарорига мувофиқ, 1999 йил 26 ноябрда «Пахта Банк» билан Ташки иқтисодий фаолият миқлилий банки ўртасида Германиянинг КФВ банки то-

монидан кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун 4.000.000 Евро кредит линиясини очиб тўғрисидаги кредит битими имзоланган эди. Ушбу кредит линиясини ўзлаштириш мақсадида «Пахта Банк» томонидан бугунги кунга қадар 4 та хўжалик билан жами қарийб 1,5 млн. Евро миқдоридида кредит шартномалари тузилди. Яна 2 та хўжалик билан жами 2,5 млн. Евро миқдоридида кредит шартномаларини имзоланиш юзасидан ишлар олиб борилляпти. Биринчиси — Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги «Китё» хусусий фермер хўжалигида арпани қайта ишловчи мини заводни молиялаштириш буйича лойиҳадир. Ускуналар Германиянинг «Нагема» фирмаси томонидан аллақачон келтирилган. Ҳозирги вақтда немис мутахассислари уни ўрнаттиш ҳамда ишчиларни тегишли ихтисослик буйича ўқитиш ишлари билан шуғулланишмоқда. Мини заводни 1 сентябр кунин ишга тушириш мўлжалланмоқда. Бу, маълум маънода, «Пахта Банк»нинг Муста-

қиллигимизнинг 9 йиллик тўйига муносиб тўенаси бўлади.

Ёки Қарши туманидаги «Ражаб момо» фермер хўжалигида мева ва сабзавотларни қуритиб, қадокловчи мини заводни молиялаштириш лойиҳасини олиб қўрайлик. Бу иккинчи лойиҳа буйича мини заводни етказиб берувчи Германиянинг «Тиссен Хандель» компанияси фойдасига аккредитив очилди. Яқин кунлар ичида мазкур мини завод ҳам ишга туширилиб, сифатли экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Булардан ташқари, Хоразм вилоятида 8 та, Қашқадарё вилоятида 48 та ва Самарқанд вилоятида 76 та янги ишчи ўрни ташкил этилади.

«Пахта Банк» инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда нафақат Германиянинг КФВ банки, балки бошқа бир қатор халқаро молиявий институтлар билан ҳам ҳамкорлик қилаётир. Хусусан, Германиянинг «Хиповерейнс» банки билан 5.000.000 Евро миқдорда кредит линиясини очиб тўғрисида битим тузилган бўлиб, бу маблағлар ҳам мамлакатимизнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш ҳамда импорт ўринини бошувчи рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқаришга йўналтирилади. Шу ўринда «Хиповерейнс» банки «Пахта Банк»ка ҳуқумат қар-фолатисиз, ўзаро ишонч асосида кредит беришга тайёр

эканлигини алоҳида таъкидламоқ лозим. Бу ўз навбатида «Пахта Банк»нинг жаҳон миқёсда танила бошлагани ва ўз мажбуриятларига ўзи жавоб бера олишдан далолат беради.

Шу кеча-кундузда эса Европа Тараққиёт ва тикланиш банки билан 15.000.000 АҚШ долларини (I транш буйича 6.000.000 АҚШ долларини ва II транш буйича 9.000.000 АҚШ долларини) миқдоридида кредит линиясини очиб тўғрисидаги кредит битими имзоланиш ара-фасида турибди. Шу мақсадда ЕТББ билан кредит битимининг шартлари келишиб олинди.

Қолаверса, республикамизда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантириш учун Осий ривожланиш банкнинг 15.000.000 АҚШ долларини миқдоридидаги кредит линияси очилиши қутилмоқда.

Айни пайтда юқоридида кўрсатиб ўтилган хорижий кредит линиялари ҳисобидан молиялаштириш учун инвестицион лойиҳаларнинг портфели шакллантирилмоқда.

Хурматли тадбиркорлар! Чет эл валютаси талаб этиладиган инвестицион голяларингиз ва лойиҳаларингиз бўлса, марҳамат, «Пахта Банк»ка мурожаат қилинг, адашмайсиз!

«Пахта-банк» аҳолига қуйидаги кенг қўламдаги янги, манфаатли ва қулай омонат турларини тақлиф қилади:

Пенсия ёшидаги отахон ва онахонлар учун 1 йил мuddатли «НАФАКА» омонат тури. Омонат миқдорига мутаносиб равишда йиллик 38 фоиздан 50 фоизга қадар ставка буйича даромад тўлаб борилади. Бошланғич бадал миқдори чегараланмаган. Омонатни тўлдириб, ундан қўйилган маблағ ҳамда фойзаларни исталган вақтда олиш мумкин.

Жорий йил давомида 1 ой ва ундан ортиқ мuddатга очиладиган «2000» омонат тури. Йиллик 25 фоиз миқдоридида даромад тўланади. Омонатни тўлдириб, ундан қўйилган маблағ ҳамда фойзаларни исталган вақт олиш мумкин.

3 ва 6 ой мuddатга очиладиган «ФАРОВОНЛИК» омонат тури. Йиллик 36 фоиз миқдоридида, ҳар ой капиталлаштириш натижасида эса йиллик 38,8 фоиз миқдоридида даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори — 5000 сўм. Ушбу омонат тури буйича ҳисобланадиган фойзалар буйича даромадлар ойма-ой бериб борилади.

16 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар учун 1 йил мuddатга очиладиган «НАВНИҲОЛ» омонат тури. Фойзли даромадлар Ўзбекистон

МАНФААТЛИ, ҚУЛАЙ ОМОНАТ ТУРЛАРИ

30 фоиз миқдоридида даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори — 2000 сўм. Фойзли даромадлар омонат қўйилган кундан, ойма-ой тўлаб борилади.

3 ой мuddатга очиладиган «Пахтакор» омонат тури. Йиллик 25 фоиз миқдоридида даромад тўланади. Бошланғич бадал миқдори — 1000 сўм.

Шунингдек, «ПахтаБанк» талаб қилиб олгунча мuddатли ҳамда фойз ставкаси тегишли равишда 45 фоизгача белгиланадиган 3 ва 6 ой, 1 йил, 1 йилдан 3 йилгача ва 3 йилдан 5 йилгача мuddатли бошқа омонат турларини ҳам тақлиф этади.

Республикаси Марказий банкнинг молиялаштириш ставкаси буйича тўлаб борилади. Бошланғич бадал миқдори — 1000 сўм. Омонат миқдори ойма-ой ошириб борилиб, 50000 сўмга етказилган тақдирда, омонатни фойзалар буйича оладиган даромадларни ҳисобидан 10 фоиз миқдоридида қўшимча даромад билан рағбатлантирилади.

6 ой мuddатга очиладиган «ОК ОЛТИН» омонат тури. Йиллик

«ПАХТА БАНК» ОМОНАТИНГИЗИНИ КАҚ ФАЛАТЛИ АСРАЙДИ ВА КЎПАЙТИРАДИ.

Бизнинг бош офисимиз: 700096, Тошкент ш., Муқимий кўчаси, 43-уй; tel: +998 (712) 781296; Fax: +998 (71) 1208818; telex: 116412 IRIS SU; SWIFT: PAKHUZ 22; Эл-почта: headoffice@pakhtabank.com, pakhtabank@online.ru; Интернет: www.pakhtabank.com

ЮРТ ТАРОНАСИ

Кеча пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бошланган «Ўзбекистон — Ватаним меним» кўшиқ байрамнинг республика кўнловчи босқичи бугун нихоясига етди.

Инсон қувончи кунларида ҳам, қайғули лаҳзаларида ҳам кўшиққа тапгинади тинглайди. Чунки кўшиқ — умрий ахтиёр!

Қадимда бир ҳукмдор ўзга юртга юриш қилиб, одамларни зиндонга ташлабди, мол-мулк, бойлигу ер сувларни эгаллаб олибди. Иттифоқо, у бир кун зиндон яқинидан ўтиб кетаётган экан, қулоғига ҳазин нола эшитилибди. Суриштириб билса, асирлардан бири ватани, эл-юрти ҳақида тинмай кўшиқ айтarkan. Шунда ҳукмдор мен ўзим босиб олган юрт фуқароларига жалб қилган эканман-ку, яхшиси, кўшиқ қилаб, меҳнат қилиб, тинч яшагани маъқул, дея уларни озод қилган экан. Бундан маълум бўладики, кўшиқ давлаткор сўз бўлиб, у эзулган, жасоратга ва бунёдкорликка ундайди.

Бешинчи бор ўтказилаётган мажус кўшиқ байрами республикамизнинг барча вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида байрамона руҳда давом этиб, янги-янги кўшиқ-куйлар яратилиши-ю, оммалашиши ҳамда янги номлар кашф этилишига имкон берди.

Биз турли касбдаги юртдошларимизга «Анъанавий кўшиқ байрами давомида кўнлингизга мос кўшиқлар яратилди, ютук ва камчиликлари нимада?» — деган савол билан мувожаат қилдик.

Уларнинг эътирофи ва эътирозлари фақат бир нарсага — кўшиқ санъатини юқори поғонага кўтаришга қаратилган.

Авазбек ОЛИМОВ, хонанда: — Аввало, «Ўзбекистон — Ватаним меним» кўшиқ танловининг мунтазам уюштирилиши, унинг Мустақиллик йилларида ташкил этилиши, Ватан меҳрига, қадрига алоҳида урғу берилиши таҳсинга сазовор.



Энди бевосита кўшиқ байрами хусусида тўхталсам, Ватан ҳақидаги кўшиқлар кўпайди, янги талантлар кўзга ташланди. Эстрада санъати бир қадар юқорилади. Шу билан бирга миллий анъанавий ижрочилик санъатидан намуналар камлиги, миллий мусиқанинг етишмаслиги, саёз шеърлари ҳам ашула қилиб айтишдек нуқсонлар кўзга ташланди. Бу камчиликларни йўқотиш мумкин. Энг муҳими, кўшиқ байрами оммавий жараёнга айланиб бормоқда.


Шерзод Йўлдошев, Фарғона политехника институтини талабаси: — Кўшиқ ҳар бир юракка

Ватан меҳр-муҳаббатини, унинг бетакрор жозибасини муҳрлаши лозим. Беш йил ичида бир қадар ана шундай кўшиқлар яратилди. «Ялла» ансамблининг «Юрт ишида ёнаман», Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонованинг «Ўзингдан қўймасин, халқим» ашуллари бунга мисол бўла олади. Лекин шундай ҳоллар ҳам юз бердики, кўшиқ байрамда бир айтилди-ю, сўнг ўзидан йўқолиб кетди. Демокиманки, саёз шеърни кўшиқ учун танлаш керак. Шунчаки жун кўшиқларни танловга тавсия қилмаслик мақсадга мувофиқдир. Яна бир истагим: ҳар гал биттадан оммавий кўшиқ — ҳаммамиз жувороз бўлиб айтадиган кўшиқ яратилса қанийди!

Фаттоҳ ҚОДИРОВ, пенсионер: — Куним радио эшитишу телевизор кўриш билан ўтади. Болаликдан сеvimли кўшиқларим ёдга келади. Жўраҳон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Тамараҳоним ижросидаги кўшиқларни тинглаганимда сел бўлиб кетардим.

Президентимиз ташаббуси билан ташкил этилган кўшиқ байрами ижрочилик санъатини мукамаллаштиришга хизмат қилмоғи жоиз. Менимча, шундай ҳам бўлаётти. Чунки кейинги йилларда шовқин-суронли мусиқада, бири богдан, бири тоғдан бўлган энгил-елги ашуллалар анча камайди.

«Халқ сўзи» мухбири Гулчехра Йўлдошева ёзиб олди.



Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг тўққиз йиллиги муносабати билан

"Халқ сўзи" ва "Народное слово"

газеталари таҳририятлари корхона, ташкилот, компания қўшма корхоналардан байрам табрикларини чоп этиш учун таклифларни қабул қилади.


Буюртмалар шу йилнинг 25 августгача қабул қилинади.

136-09-25, 132-10-63.

Тақдир эъозлаган навбатдаги бахтли инсон — ЭКОЛОТ лотереясига супер-ютук-NEXIA автомобилни ютган йигит билан таништираемиз.

Жавлон Машарипов Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл шаҳрида яшайди. 1979 йили туғилган, оилали, 4 ойлик қизалоғи бор. (Автомобил, чамаси, кичикнот учун энг катта суюнчи бўлиб қолса керак). Жавлон Миллий банкнинг маҳаллий бўлимида ишлайди. Тошкент тўқимачилик инженерлари институтининг 5-курсидан сиртдан ўқийди.

100 СЎМГА «НЕКСИЯ»



қулоғимга чалиниб қоларди, бироқ бу гаплар шунчаки жалб қилиш учун ўйлаб топилган деб юрардим. Отамдан бошқа ҳеч кимга лол-мим демадим. Эртаси кун Тошкентга — экспертизага жўнадик. У ерда билет чиндан ҳам ютқули эканлигини айтишганида қувончимнинг чеки йўқ эди.

шундай қиламан. Ютук чиқиши мумкинлигини ҳеч қачон уйламастим. Буни қарангки, омадим келиб қолди. Маълум бўлдики, шундай ютуклар бор экан, бахтинг чопса, ютаркансан ҳам. Бу энди бир омад-да. Фақат бир нарсани айтишим мумкин, бирор йирик ютукни қўзлаган киши ўйинни ҳам йирик қилиши керак.

Саломатлик хизмати ФОВЛАР МУСТАҲКАМ

Хоразм вилоятининг Туркменистон билан чегарадош ҳудудларидаги божхона постлари қошида тўртта санитария назорат пункти фаолият кўрсатаётган эди. Эл-юрт саломатлиги учун хатарли бўлган кўйдирги касаллиги хавфининг олдини олиш мақсадида ички йўлларда ҳам яна шундай олтита пунктлар ташкил этилди.

1-Шовот божхона масканидаги назоратчилар-у санитария хизмати ходимларининг синчков ногҳи ва талабчанлигидан қочиб кутулиш қийин.

— 40 килограмм оғирликдаги товук гўшти ҳамда бир нечта қорамол туёқларини олиб ўтмоқчи бўлган Туркменистон фуқароларини тўхтатди. — дейди тиббий ходим Жамилд Жуманов. — Таққиланган махсулотлар олиб ўтилишига йўл қўймаймиз.

Чегара назоратчиси Абдуғани Наймов ҳам ўз иш ўрнида сергак ва хушёр. У фуқаро шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги «ишқал»ни дарров аниқлаб олади. Паспортининг фойдаланиш муддати ўтиб кетган ёки яшаш жойи қайд этилмаган кишиларга, айниқса, эътиборли.

Божхона масканида транспорт воситалари назоратига талаб нихоятда катта. Улар синчиклаб текширилишидан ташқари, махсус дезинфекция ҳам қилинади.

Шовот туманидаги «Тозобозор», «Дагтачи», шунингдек, «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигида жойлашган божхона масканида ҳам юқумли касаллик йўлига мустаҳкам фовлар қўйилган.

Сотим АВАЗ, «Халқ сўзи» мухбири.

Навоий шаҳрида «Коском» уяли алоқа компаниясининг иш бошлаганига беш ой бўлди. Митти уяли телефонлар мўжизаси фақат шаҳар аҳолисининггина эмас, олис Қизилқум кенгликларидоғиларни ҳам ўзига ром этди.

Олтинтопарлар шаҳри — Зарафшонда «Коском»нинг вилоят филиали иш бошлади. Станциянинг тез ва соз ишга туширилишига Навоий кон-металлургия комбинати ҳомийлик қилди.

Мустақиллик байрамигача Учқудук, Зафаробод шаҳарларида ҳам шундай

Қулайлик «КОСКОМ» ҚИЗИЛҚУМДА

станциялар ўрнатилиши мўлжалланган. Йил охиригача эса Қизилтепа ва Хатирчи туманларида симсиз алоқа хизмати йўлга қўйилади.

Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЕІВВ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАР РАЎБОАРАЛРИ, КОМПАНИЯЛАР, АССОЦИАЦИЯЛАР, КОРПОРАЦИЯЛАР ВА ХОЛДИНГЛАРНИНГ БОШҚАРУВЧИЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 22 апрелдаги 170-сонли Қарорига мувофиқ корхоналарни хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш бюроси (ҚХҚК) ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат Мулки Қўмитаси Бюронинг муассислари ҳисобланадилар.

Корхоналарни хусусийлаштиришдан кейин қўллаб-қувватлаш бюроси Сизни Халқаро реконструкциялаш ва тараққиёт банки қўллаб-қувватлаши асосида амалга ошириладиган корхоналарни институционал ривожлантириш лойиҳасида иштирок этишга таклиф қилади. Лойиҳа хусусийлаштирилган корхоналарга энг йирик халқаро консалтинг компанияларининг хусусийлаштирилгандан кейинги даврда бизнесни ривожлантиришга йўналтирилган ёрдамни олишда кўмаклашишни назарда тутаяди.

Консалтинг қўллаб-қувватлашнинг қўзда тутилган йўналишлари:

- Корхоналарни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш;
- Корхоналарни бошқариш тизимларини оптималлаштириш;
- Хорижий шерикларни излаш;
- Инвестициявий лойиҳаларнинг бизнес-режалари ва техник-иқтисодий асословларини ишлаб чиқиш;
- Халқаро стандартларга биноан сертификациялашни ўз ичига олади.

Қўйидаги мезонларга жавоб берувчи корхоналар лойиҳада қатнашишлари мумкин:

- Акцияларининг катта қисми хусусий акциядорлар мулки бўлган корхоналар.
- Сиртқи инвесторларнинг ҳиссаси (давлат ва ходимлар ҳиссасини ҳам қўшиб) низоий жамғарманинг камида 30 фоизини ташкил этувчи корхоналар;
- Халқаро маслаҳатчилар хизматлари қўйиматининг 25 фоизини миллий валютада тўлашга тайёр корхоналар.

Хусусийлаштирилган корхоналардан талабномалар музқур эълон чоп этилганда кейинги 30 кун мобайнида қўйдаги манзилда қабул қилинади

700003, Ўзбекистон, Тошкент ш. Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55. Давмулкўм биниси, 15-қават.

Қўшимча ахборотлар: тел.:+998 71 139-22-23, 139-22-58 факс: +998 71 139-21-42 E-mail: elbb@naytov.com

ЭЪЛОН

«МУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИ УЧУН ДАРСЛИК ВА ЎҚУВ АДАБИЁТЛАРИНИ НАШР ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ»

Лойиҳаси доирасида(Осиё Ривожланиш банки 1595 — рақамли кредит маблағлари ҳисобидан)

ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ БРИТАНИЯ КЕНГАШИ БИЛАН ҲАМКОРЛИҚДА

умумтаълим мактаблари учун дарсликлар яратиш борасида ёш муаллимларни тайёрлаш мақсадида 2 ҳафталик семинар-тренингни қўйдаги йўналишлар бўйича ўтказаяди:

- БОШЛАНГИЧ ТАЪЛИМ;
- ГУМАНИТАР ФАНЛАР;
- ТАБИИЙ ФАНЛАР.

АРИЗА ТОПШИРИШ МУДДАТИ — 25.08.2000 ЙИЛГАЧА.

Номмаълум қўйидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

1. Олий маълумотга эга бўлиши.
2. Камида 5 йиллик педагогик (мактаб) стажига эга бўлиши.
3. Ўзбекистон Республикаси ДТС ва дастурларини билиши.
4. 35 ёшгача бўлиши.
5. Инглиз тилини билиш, компьютерда ишлаш маҳоратига эга бўлишлари назарда тутилади.

Номмаълум қўйидаги тезлик вазифаларини бажаришлари лозим:

1. Ўқитаётган фанинг бўйича дарсликларнинг янги авлоди қандай бўлиши керак ва бу борада Сизнинг фикрингиз?
2. Иштирокчиларнинг ўз предметлари бўйича мустақил тайёрлаган дарс ишланмаларидан намуналар топшириши.

Аризалар қўйидаги манзилга топширилад:

700027, Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 80. Республика Таълим маркази, 308 хона. Маълумот учун телефонлар: 139-15-73, 45-18-50.



Ҳаётингизни хотиржам қиламиз!



Янада яхши! Янада замонавий! Янада арзон!..

Байрам олди нархлари!

2000 йил 15 октябргача амал қилади.

XL 413 сериясидаги детекторларнинг янги авлоди IS 215 14 800 сўм.

ST 800 I клавиатура билан — 70 000 сўм.

ST 805 клавиатура билан — 78 470 сўм.

ST 802 клавиатура билан — 76 495 сўм.

Аккумулятор 1270 ВАТ — 20 651 сўм.

Аккумулятор 1220 ВАТ — 14 972 сўм.

Буларнинг барчаси қўриқлаш тизими учун керакли!

700022 Тошкент ш. Қушбеги к., 18. Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13 Факс: (998 712) 50-03-61 E-mail: vinlad@naytov.com

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир хайъати:

- Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
- М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
- Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
- С. ЗИНИН,
- М. МИРАЛИМОВ,
- С. МУҲИДДИНОВ,
- Ш. СИЗАЕВ,
- М. САФАРОВ,
- Р. ФАРҲОДИЙ,
- И. ХУДОЁЕВ,
- И. ШОҒУЛОМОВ,
- О. ҚАЙПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
- Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

- Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34;
- Ҳуқуқ — 136-07-94;
- Иқтисодий — 136-36-65; 132-10-65
- Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
- Хатлар — 136-29-89; 133-07-48;
- Фан, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар — 132-12-08;
- Ахборот, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик — 133-78-92;
- Халқаро ҳаёт — 132-11-15;
- Котибият — 133-10-28;
- Эълонлар — 136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 716, 18918 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғ бичими А—2

Газета PENTUM-II компьютерида терилди ҳамда операторлар С. ЛУКИН ва Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ. Навбатчи муҳаррир — Ж. САБДУЛЛАЕВ. Навбатчи — Э. ТУРҒУНОВА. Мусоҳиҳ — Ш. МАНШРАББОВЕВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қозғдан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилади — 21.00 1 2 3 4 5 6